

А Ж Р И М

(ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2019 йил январь ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи шу туман судининг раиси Б.Ш.Қораев, судья ёрдамчиси Х.Мурташованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бўстонлик тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Ғ.Дехқонов, судланувчи Сапаев Жамшид Мирсултанович, жабрланувчи-фуқаровий даъвогар Юнусов Абдулазиз Ўткировичнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан айбланган:

13.03.1985 йилда Тошкент вилояти Бўстонлик туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламайди, оилалик, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Товоқсой кўрғони, Ёшлик кўчаси, 48-уй яшайди, жиноят иши бўйича “шахсий кафилик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 07.01.2019 йилда олган **Сапаев Жамшид Мирсултановичга**

нисбатан жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва жабрланувчи-фуқаровий даъвогарнинг кўрсатмаларини тинглаб ҳамда жиноят иши хужжатларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Сапаев Жамшид Мирсултанович 2018 йил 18 ноябрь куни соат тахминан 22:20 ларда безорилик жиноятини содир этиш мақсадида, жамоат жойи ҳисобланган Товоқсой кўрғони Ёшлик кўчасида жойлашган дўкон қаршисида жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, айни вақтда жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик қилаётганлигини яққол англаган ҳолда, “Матиз” русумли 10 М 390 СА давлат рақамли автомашинасини бошқариб кетаётган 1991 йилда туғилган фуқаро Юнусов Абдулазиз Ўткировични тўхтатиб, ҳеч бир сабабсиз уни бош ва танасининг турли жойларига қўл ва оёқлари билан уриб-дўппослаб, унга тан жароҳати етказган.

Натижада А.Ў.Юнусов тан жароҳати олиб, 2018 йил 18 ноябрь куни даволаниш учун Бўстонлик тумани тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган.

Фуқаро А.Ў.Юнусовнинг олган тан жароҳатлари юзасидан ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизасининг 2018 йил 01 декабрь куни тугалланган 631-Б-сонли хулосасида А.Ў.Юнусовда бош мия ёпиқ жароҳати-бош мия чайқалиши, чап чакка соҳасида шиш, тери ости гематомаси каби жароҳатлар аниқланганлиги, ушбу жароҳатлар чегараланган юзали, ўтмас қаттиқ жисм таъсиридан етказилганлиги, муддати ўзи кўрсатган вақтга тўғри келиши мумкинлиги, бу жароҳат одатда соғлиқни 6 кундан кўп, аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига сабабчи бўлиши, шу белгисига кўра, соғлиқни

кисқа муддатга бузилишига сабабчи бўлган ЕНГИЛ тан жароҳати тоифаси билан баҳоланиши кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи Сапаев Жамшид Мирсултанович ариза билан мурожаат қилиб, у ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи-фуқаровий даъвогар Юнусов Абдулазиз Ўткировичдан кечирим сўраганлигини, унга жиноят оқибатида етказилган барча моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, улар ихтиёрий ярашиб олганликларини, ярашувда бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, ярашув ихтиёрий бўлганлигини, шу сабабли ярашув далолатномасини тасдиқлаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноят ишини тугатишликни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи-фуқаровий даъвогар А.Ў.Юнусов ариза билан мурожаат қилиб, Ж.М.Сапаев ундан кечирим сўраб, жиноят оқибатида етказилган барча моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, у билан ихтиёрий равишда ярашганлигини, Ж.М.Сапаевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашувда бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, шу сабабли Ж.М.Сапаевни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилиб, унга нисбатан жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи-фуқаровий даъвогар Юнусов Абдулазиз Ўткирович ва судланувчи Сапаев Жамшид Мирсултановичларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши хужжатлари билан ўрганиб, Бўстонлик туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ғ.Дехқоновнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Сапаев Жамшид Мирсултановичнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи-фуқаровий даъвогар А.Ў.Юнусов ва судланувчи Ж.М.Сапаевларга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув уларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Б.Б.Туйчиевга нисбатан жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим деб топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи-фуқаровий даъвогар Юнусов Абдулазиз Ўткировичга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Шунингдек, жиноят иши юзасидан далилий ашё деб эътироф этилган 20.11.2018 йил куни бўлиб ўтган жанжал видео тасвири туширилган дискни жиноят иши хужжатларида сақлашликни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан айбланган **Сапаев Жамшид Мирсултанович**га нисбатан бўлган жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ тугатилсин.

Жабрланувчи-фуқаровий даъвогарга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасига асосан мазкур жиноят иши бўйича иш юритувни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Жиноят иши юзасидан далилий ашё деб эътироф этилган 20.11.2018 йил куни бўлиб ўтган жанжал видео тасвири туширилган диск жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:-

Б.Ш.Қораев